

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**528 Тугатилган «Мотор заводи» акциядорлик жамияти
мулки комплексининг бир қисмини сотишда «Ўзэл-
техсаноат» акциядорлик компаниясини қўшимча қиймат со-
лиғи тўловидан озод этиш тўғрисида**

Ички ва ташқи бозорлар учун рақобатдош электротехника маҳсулотла-
рини ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва
фаолият юритаётганларини модернизация қилишда «Ўзэлтехсаноат» АК
фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги
«2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада та-
комиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-
тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2772-сонли қароридан назарда тутилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги
ПҚ–2123-сонли қарори билан тугатилган «Мотор заводи» АЖнинг мулки
комплексининг бир қисмини инвесторлар томонидан инвестиция мажбурият-
ларини қабул қилган ҳолда сотиш;

тушган маблағларни тугатилган «Мотор заводи» АЖ кредиторлари та-
лабларини қоплашга, электротехника тармоғида янги қувватлар барпо этиш,
фаолият юритаётганларини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича
инвестиция лойиҳаларига йўналтириш;

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Электрмаиший техникаларни ишлаб чи-
қариш ва маркетинг қилиш Марказини янада ривожлантириш чора-тадбир-
лари тўғрисида» 2017 йил 3 апрелдаги 172-сонли қарорига мувофиқ «Мотор
заводи» АЖ мулки комплексининг бир қисмини «Vedanta Production» МЧЖ
ХКга сотишга рухсат олингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тугатилган «Мотор заводи» АЖ мулки комплексининг бир қисмини
сотишда «Ўзэлтехсаноат» АК қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этил-
син, бўшайдиган маблағлар электротехника саноатида янги қувватлар бар-
по этиш, фаолият юритаётганларини модернизация қилиш ва кенгайтириш
бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-
касининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 июнь,
ПҚ–3065-сон